

ТЕМУР УБАЙДУЛЛО

ҚИРЛАР ТЎЛА
ҚИЗҒАЛДОҚ

Шеърлар, эртаклар



Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти
1989

Убайдулло Темур.

У13 Қирлар тўла қизғалдоқ: Шеърлар, эртаклар:
[Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун].— Т.:
Ёш гвардия, 1989.—64 б.

Азиз болалар!

Сизга тақдим этилаётган бу китобчага шоир Темур Убайдуллонинг кейинги йилларда ёзган қатор шеърлари ва эртаклари жамланди. Мавзу ранг-баранглиги, тил раволиги, ифода йўсинининг содда ва самимийлиги сизда илиқ таассурот уйғотади деган умиддамиз.

**Убайдулла Т. Маки: Стихи, сказки: Для детей
мл. шк. возраста.**

Уз2

4803620202—45 00—89
356 (04)—89

ISBN 5—633—00317—9

© Издательство «Ёш гвардия», 1989

ЭЗГУЛИКНИНГ ЙЎЛЛАРИ





ВАТАН

Ватан—менинг жонимдир,
Қалбим қўридир Ватан.
Томирдаги қонимдир,
Кўзим нуридир Ватан.

У бўлмаса дунёни,
Қилиб бўлмас тасаввур,
Ватан тенгсиз гулшаним,
Ватан—туганмас ғурур.

Ватан—иқболим, кулгум,
Мен-чи, унинг ошиғи.
Ватан—энг ширин орзум,
Энг жарангдор қўшиғим.





ҚИРЛАР ТҰЛА ҚИЗҒАЛДОҚ

Яшиллика бой бұлиб,
Гүзалликда ой бұлиб,
Шамоллари ўйноқи
Югуришда той бұлиб,

Бизни чорлайди ўртоқ,
Кир бағрига юр, тезроқ!
Кўз-кўз қилиб ҳуснини
Табиат кутар муштоқ.


Майсага кўмилайлик,
Гул-лолалар терайлик.
Қувлаб капалакларни
Завққа-шавққа тўлайлик.

Уйнайлик хушвақт бўлиб,
Уйнайлик кулиб-кулиб.
Орзумизни кўк сари
Учирайлик қуш қилиб.

Сойларда сув кечайлик,
Сойлар сувин ичайлик.
Соҳилида ўлтириб,
Хаёлларда учайлик.

Қирлар ўргилиб қолсин,
Шодликка тўлиб қолсин.
Қувноқ шўхликларимиз
Хотира бўлиб қолсин!

Қирлар бағри қизғалдоқ,
Қир бағрига юр, ўртоқ!
Болаликнинг завқидан
Қирга қадайлик байроқ!



ДАЛАЛАР


Жоним туташ жонига,
Яшил-яшил далалар.
Юртим дастурхонига
Ҳосил ташир далалар.

Онадек меҳри қайноқ
Онадек у меҳрибон.
Бойликка қайнар булоқ,
Саховати бир жаҳон.

Эмиб қуёш нурини,
Кўксин очар осмонга.
Қалбидаги қўрини
Сочар доим инсонга.

Унга бермиш латофат
Бободехқон қўллари.
Бағрида сонсиз эгат—
Эзгуликнинг йўллари.

Кўз тутар деҳқонига
Яшил-яшил далалар.
Юртим дастурхонига
Ҳосил ташир далалар.



ЕМҒИР ЁҒАЛОҚ

Шивир-шивир шивирлаб
Емғир ёғди шитирлаб.
Бўғотларга беркинди,
Шўх чумчуқлар питирлаб.

Уйнаб-ўйнаб тушар сув,
Куйлаб-куйлаб тушар сув.
Ер бағрини тўлдириб,
Қувнаб-қувнаб тушар сув.

Ёғиши бир чиройлик,
Шўхлиги худди тойдек.
Гўё осмон аямай,
Ерга сочмоқда бойлик.



Ёмғир қўйди пақирлаб,
Чучвараси вақирлаб.
Булутнинг кўз ёшига
Чўмилмоқда тоғ, қирлар.



ХОВЛИДА

Уруш-уруш ўйнайди
Сурон солиб болалар.

Жангга бошлар мардона
Солдатларни «командир».
Ҳайқирар: «Ватан учун!»
«Душман» қаттол, ёмондир—

Қўяр пистирма-тузоқ
Қўлга олмоқ қасдида.
Босиб келар бир томон,
Боқмай баланд-пастига.

Оналар кўзи ёниб,
Кузатади балкондан:
«Ўйнасин қароғларим
Чиқиб роса армондан».

Авжида жангу жадал,
Қулиб ўтар йигитлар:
«Биз ҳам ўйнардик бир пайт,
Қор қилмасдан ўгитлар».

Авжида жангу жадал,
Бир киши тўхтаб қолди.
«Номинг ўчсин-а, уруш!»
Дея оғир тин олди.

Ҳовлида шовқин-сурон,
Ҳовлидадир ҳамма гап.
Уруш-уруш ўйнайди,
Болалар бўлиб саф-саф.

Қараб ўтади бир-бир,
Ҳар кимда ҳар хил фикр...



ТАБИАТ

Солиб атрофга назар,
Эрта саҳар турган чоғ.
Ҳадсиз гўзалликлардан,
Яшнаб кетади нигоҳ.

Шовуллаган боғларнинг,
Бағрида қолсам деймиз.
Водийлар қучоғида,
Навниҳол бўлсам деймиз.

Жўшқин дарё, ирмоқлар,
Қучоғи—кони ҳаёт.
Шукрона айтиб шунда,
Бўлмаса деймиз барбод.

Гулгун, дилдор табиат,
Гўзаллиги бир жаҳон.
Қўйнида яйраб-яшнаб,
Камол топади инсон.

Шу она табиатнинг
Бордир аммо ҳисоби.
Сукунати—ҳайқириқ,
Бизга қилган хитоби.

Умримиз билан унинг
Бирку ахир томири!
Уни ардоқлаб дилдан,
Авайламоқ—дил амри.

Бир туп гул латофати,
Берар қанча чирой, зеб.
Ҳатто яшил майсани,
Босмайлик, кўкат-ку деб.

Турли хил жондорлар ҳам,
Жавобгар ўз ишига.
Фасллар ҳам бўйсунган,
Табиат хоҳишига.

Табиатда ортиқча—
Нарса сира бўлмайди.
Нима йўқ бўлса агар
Ўрни сира тўлмайди.

Асраш керакдир уни,
Бўлиб чиндан фидоси.
Бу—юррак буюргани,
Виждонимиз нидоси.

У борини бизларга,
Ҳадя этар ҳар қачон.
Бошқа табиат йўқ-ку,
Асрайлик, дўстлар, омон.


КИМ БЎЛСА ҲУШЕР, ДОНО

Вақтинг кетса мабодо,
Бахтинг кетар, дейдилар.
Донолар вақт этагин
Маҳкам тутар, дейдилар.

Бўлса ҳамки чўнг, улкан,
Вақтга бўйсунар олам.
Бахтлидир ҳар бир ишни
Вақтида қилган одам.

Ўтса гар бир дақиқа,
Беҳуда, бенаф, бекор.
Ранжийди вақт шу он
Топади ранжу озор.

Ким бўлса ҳушёр, доно
Қадрлайди вақтини.
Ўтган ҳар дақиқада
Яратади бахтини.




ОНА ЕР ҰКСИМАСИН

Ерда ҳам бордир юрак,
Бордир орзу ҳам тилак.
Ернинг нияти—тинчлик,
Ернинг қуввати—тинчлик.

Нега, дея сўрсалар,
Жавобимни кўрсинлар:
Қайсидир олис юртда
Бомбалар турса портлаб,
Она Ер чекса озор,
Халқлар эрка бўлса зор,
Ер ҳам титрайди шу дам,
Юрагида дард алам.

Музликда, шамолдами
Хоҳ олис шимолдами,
Қайси жойда бўлмасин,
Ҳатто Ойда бўлмасин,
Агар тинчлик бузилса,
Тинчликка чоҳ қазилса,
Ер ҳам чекади ташвиш,
Бўлмасин дейди уруш.

Ҳар дамда ва ҳар замон
Шуни унутма инсон.
Она Ер ўксимасин,
Ғам чекиб, ўкинмасин!





ГУЛБАҲОР

(Қўшиқ)

Келди фасли гулбаҳор,
Яшнади гул-гул диёр.
Овозлари жарангдор
Мадҳида булбул диёр.

Юртимга чирой баҳор,
Мисли тошқин сой баҳор.

Завқимга завқ қўшади,
Зумрад каби далалар.
Йўлларимга тўшади
Алвон-алвон лолалар.

Юртимга чирой баҳор,
Тароватга бой баҳор.
Уйнаб-ўйнаб яйрайди,
Қўкда қушлар чуғурлаб.

Менинг завқим қайнайди,
Қалбим тўлар ғурурга.

Юртимга чирой баҳор,
Мисли тошқин сой баҳор.

Қўлингни бер кўлимга,
Боғ кезайлик сен билан.
Қетма асло элимдан,
Қолгил, баҳор, мен билан.

Юртимга чирой баҳор,
Латофати ой баҳор.



ҲАР КАЛЛАДА ҲАР ХАЕЛ

Тулки қараб қарғага,
Шундайин ўй суради:
«Нега қарга доимо,
Дарахтда ўтиради?»

Қимирламас жойидан,
Очдан ўлмайди бироқ!
Қарға каби хотиржам
Яшаганим яхшироқ».

Тулки топиб салқин жой,
Ястаниб, ётиб олди.
Кўзи тушиб оч бўри,
Нақд емиш деб чанг солди...

Қарға чайқар бошини:
«Тулки, мунча довдирсан?!
Ем бўлмасдинг бўрига,
Юқорида ўтирсанг!»

БАҲОР

Унга беланди дунё,
Қор ёққанда бўралаб.
Олам ухлайди гўё,
Оқ чопонга ўралиб.

Гўзал баҳор келганда
Қишнинг кўрпасин отди.
Уйқудаги оламини,
Қулиб-кулиб уйғотди.

БОЛА КЎЗЛАРИ

Дунёда асли боланинг
Униб-ўсар бешиги.
Тимсоли шалоланинг
Шўх, жарангдор қўшиғи.

Бола қалбин тилмасин
Мусибатнинг қамчиси.
Кўзлари ёш билмасин,
Оғир тош—ҳар томчиси.

Олам обод бўлгуси
Одамзод қилса гар аҳд.
Боланинг шод кулгуси
Миллиардларга эрур бахт.

Қорачиғи ўзимман,
Англам, дегандай гўё.
Чақноқ бола кўзидан
Боқар бизларга дунё!

ҚУВНОҚ ШЕЪРЛАР





ГЛОБУС

— Глобус нега синиқ,
Нима қилдинг укажон?

— Ичидаги сувини
Тўкмоқчийдим, опажон.



УКТАМ

Уктам қўлида китоб
Сурар хаёл.
Бошида чарх уради
Минг хил савол.

Сигир нимага керак?
Беради сут.
Яйлов нимага керак?
Усади ўт.

Сув билан ўт гиёҳлар
Яшнаб кетар.
Товуқ ҳар куни тухум
Ҳады этар.

Балиқни эса тутиб
Қотирамиз.
Дарахтнинг соясида
Утирамиз.

Маймун, тулки бизларга
Керак нечун!
Зоопаркда томоша
Қилмоқ учун.

ФОКУС

— Дадажон, сиз кўз юмиб,
Бирон иш қиласизми.
— Ҳа, ўғлим кўзим юмиб,
Езаман.
— Биласизми,
Дадажоним, иккимиз
Уйнайлик фокус—ўйин.
Кўзингизни юминг-да,
Кундаликка қўл қўйинг.



ДАВО

Адҳам бирдан
Йиғлаб қолди,
— Вой бошим,—деб
Уввос солди.

Ойижони
Келгани дам
Йиғисидан
Тўхтар Адҳам.

Опасига
Дер жилмайиб:
— Мен тузалдим
Келгач ойим.


САБОҚ 1

— Зерикмадингми ахир,
Нуқул «икки» олмоқдан?

— Ойижон, айтмадим-ку,
Билволдингиз қаёқдан?

— Кўриниб турибди-ку,
Қўй яширма кўзингни.

— Ювиб ташлайман энди,
«Икки» олсам юзимни.



ОҚ ҚАЛАМ.

Қаламин кўз-кўз қилиб
Мақтанар Асом:

— Дадажоним, энди мен,
Рассомман, рассом.

— Чизгин менинг расмимни,
Ота қистади.

Асом аста хўрсиниб,
Елка қисади.


— Суратингизни жон деб
Чизардим, дада,
Оқ сочингиз чизишга
Қаламим йўқ-да!



ХУРОЗ

— Сизларнинг уйингизда
Ким турар аввал?
Узингми ё укангми,
Айт-чи, Таваккал?

— Уйимизда эрталаб
Чалиб ўз созин,
Уйғонади биринчи
Бабоқ хўрозим.



ИШБИЛАРМОН

Кўрсам, бир челак сувга,
Сичқон тушиб қолибди.
Чиқолмасдан бечора
Питирлабди, толибди.

Шошма, бир бопласин, деб,
Есин деб сен шумшукни.
Челакка ташлавордим,
Каттакон Мош мушукни.

НИМА ҚИЛАЙ?

— Қулоқларингни қара,
Жуда ифлос қоп-қора.
Ахир шундоқ юришга,
Уялсангчи, Гулнора?!

Қаранг, солиб қовоғин,
Гулнора дер уялмай:
— Ахир бошқа қулоғим,
Бўлмаса нима қилай?




ХАТО.

— Иккини қўш иккига
Билсанг ишинг зўр бўлар.

— Жуда осон-ку, дада,
Қўшсак роса тўрт бўлар.

— Яша, ўғлим, билагон
Мана, тўртта шоколад.
Хафа бўлди Нўъмонжон
Конфетни олган фурсат.

Янглишдим, дер ичида
Афсусланиб ўйларкан,
Аттанг, қўшиб мен пича,
Тўққиз десам бўларкан.



ҚАРАБ ТҮРДИ

Ойиси дер Адҳамга:
— Қараб тур, сут қайнасин.
Мен ишимни битирай
Кейин, майли, ўйнайсан.

Бўйин товламай ишдан,
Адҳам хўп деб ўтирди.
Сут сиғмасдан идишга,
Қайнаб-тошиб кўпирди.

Сут қолмабди бир томчи,
Она кирса идиш бўш.
Уғлидан дейди ранжиб:
— Кўзинг қаёқдайди, хўш?

Адҳам дейди:—Ойижон,
Жилмадим бирор фурсат.
Қараб ўтирдим, қозон—
Қайнади икки соат.

БАҲОНА

— Қани кел, белни боғлаб,
Курашайлик икковлон:
Қимнинг кучи кўп экан
Билиб олайлик Омон.

— Бўйим паст-ку, бир қара,
Сенга қандай тенглашай?!
Агар кўтариб турсанг,
Сўнгра, майли курашай.

АРИ


Упкасини тутолмай
Йиғлаб кирди-да, Дилдор:
Гапни тўла айтолмай,
«Ари... ари» дер такрор.

— Вой ари қурсин, қачон
Чақди сен дўмбоғимни?
— Мени эмас, ойижон,
Чақди қўғирчоғимни!..



«УСТА»

— Соат тўхтаб қолибди,
Унга нима бўлибди?
Устага берсакмикан?
Тозалаб кўрсакмикан?
Деса онаси шу он,
Тинчлантиради Замон:
— Овора бўлманг сира,
Соат топ-тоза бирам,
Кеча қилиб ҳафсала,
Қўйган эдим тозалаб.



ТУШИДА

— Кўзларингда жиққа ёш,
Нима бўлди айт, Ҳақим?
Биронта бола билан
Уришгандирсан, балким?

Дўстлар билан иноқман,
Уришмайманку асло.
Тушимда... физикадан,
Олибман «икки» баҳо...



«ЖАЗО»

— Кундалигингни кўрсат
Бир кўрай баҳоларинг.
Бурчакда турар ана,
Мен уни жазоладим.

— Бурчакда?
Нима учун?

— Ичи иккига тўла!
Шунинг учун мен унга,
Жазо бердим бир йўла.

ОЛМА ПИШ...

— Еяётган олмангдан,
Синглингга ҳам бердингми?

— Ҳа, энг яхши жойини,
Унга бердим, кўрдингми?

Мен едим роҳатижон,
Роса ширин экан-да.

Синглим олди уруғин,
Кузда ерга экади.

Кейин ўсар олмалар,
Боғча олмага тўлар.
Синглим шунда яйрайди,
Олмалари кўп бўлар.

ЭГА

Доскага ёзди мисол,
Она тилидан Алим.
— Гапнинг эгаси қани?—
Савол берди муаллим.

— Эгаси мен,—дер Алим,
Қизармай, ҳатто юзи.
— Чунки ушбу мисолни
Уйлаб топдим-да ўзим.

УЗИМ

Ҳовлида укам Маҳкам
Айланди роса гир-гир.
Тўхтаб сўради бирдан.
— Ака айланарми ер.
Ҳа десам, хурсанд бўлиб,
«Ўзим айлантирдим» дер.

ЭРТАКЛАР



ҒАЛАТИ САБОҚ

I

Урмон жуда осуда,
Тинч жону-жондор.
Ҳар ким ўз иши билан
Машгул, беозор.
Эрта тонгдан шамолнинг
Шивир-шизири.
Жонга ором япроқлар
Шитир-шитири.
Майсаларда шудринглар
Чалар қўнғироқ,
Урмондаги сукунат
Бузилди бироқ.
Утлар эди бир кийик
Чимдилаб кўкат.
Оч бўрининг кўзлари
Чақнар бешафқат.
Пайт пойлаб ўлжага
Шартта ташланди:
Уртада ҳаёт-мамот,
Жанги бошланди.
Кийикдан кучу қувват
Кетарди кам-кам,
Сўнги бор у қичқирди:
«Беринглар ёрдам».
Айиқнинг қулоғига,
Етди бу садо,
Кўрса кийик жонивор
Бўлмоқда адо.
Оч бўрининг дастидан
Қутқарди омон.
Бўри турар бир четда,

Икки кўзи қон.
«Нега менинг ишимга,
Суқасан бурун?»
«Йўқол бундан!»—Айиқвой
Ташлар кўз қирин.
«Шошма,—деди Бўривой,—
Шошма, ҳов, маймоқ.
Учим олиб ҳолингни
Қиламан чатоқ».
Бўри кетди шаҳд билан,
Йўлбарс томонга.
Айиқ эса йўлда дуч
Келди қуёнга.
«Чакки қилдинг,—деди у,—
Жуда ҳам чакки.
Ҳали бу қилмишинга
Ейсан кўп дакки.
Қўрмагандек бир четдан,
Кетавер ўтиб.
Ахир сени емайди
Бўривой тутиб».
Айиқнинг жаҳли чиқди,
Ғазаби тошди.
Куёнвой чакалакка,
Лип этиб қочди.

II

Йўлбарсга рўбарў,
Бўлганда бўри,
Сўзлади: «Менга кун йўқ,
Қурисин шўрим.
Бир ўлжайди, оҳ-оҳ-оҳ,
Биққа ва семиз.
Уйлагандим шу гўштан,
Татиб кўрсангиз.
Аблаҳ Айиқ режамни,

Бузди, султоним.
Кийик кетди қутулиб,
Қолди армоним».
Зудлик билан Айиқни,
Чақирди Йўлбарс:
«Сени дея оч қолдим»,—
Бақирди Йўлбарс:
Кийикни менинг учун,
Овларди бўри.
Наҳот шуни сезмадинг,
Е ақлинг гўрми?»
Гап тополмай довдираб,
Айиқ қалтирар.
Оёқлари увишиб,
Кўзи ялтирар.

III

Ушбу дамдан йўқолди,
Айиқнинг тинчи.
Унга бермас ҳаловат,
Бўрибой—кўнчи.
Ўрмон ичра юрай деса,
Йўлини тўсди.
Бир ойдаёқ қолмади
Маймоқнинг дўсти.
Ҳар куни у бир янги
Найранг бошларди.
Бир кун Айиқнинг уйин
Бузиб ташлади.
«Оҳ, не азоб, ҳасратга,
Қолди-я бошим?»
Деб бир кун Айиқ полвон
Тўкди кўз ёшин.
Бўривой-чи, Йўлбарснинг
Шахсий ошпази.
Тайёрлар кийик гўштидан

Ҳар куни қази.
Айиқ бир кун аҳд қилди,
Тугаб тоқати:
«Тарк айлайман ўрмонни,
Синаб омадим—
Бошқа жойда,—деди у,—
Тутамак макон.
Яшайман осойишта,
Қийнамасдан жон. .
Сира-сира тушмайман,
Энди орага.
Жанжал бўлса олайн,
Ўзни панага.
Шундоқ қилсам хотиржам,
Ўйнаб куламан.
Ортиқча машмашани
Нима қиламан?!»

* * *

Шу-шу Айиқ дуч келса,
Доду бедодга.
Дарҳол Қуён ўгитин,
Олармиш ёдга.
Ёмонларга йўл очиб
Берар эрта кеч.
Айиқ эса бу ёгин
Ўйламасмиш ҳеч.

ДОНО ВАЗИР ҲИКМАТИ

I

Яшаб ўтди бир подшоҳ
Суриб давру давронин.
Бари-бари ушалиб
Кўнглидаги армонин.
Ҳамкор экан ҳар маҳал
Оқил, доно вазири.
Қолган ўттиз тўққизин
Гапининг кўп тахири.
Подшоҳ вазирининг
Қадрини билар экан.
Унинг айтган сўзларин
Қулоққа илар экан.
Шу тахлит йиллар ўтиб,
Бўлиб адолат бунёд,
Эл шод, юрт тинч, осуда,
Топибди зулм барбод.

II

Доно вазирни бир кун
Тиқайлик дея гўрга,
Ўттиз тўққизта вазир
Гапни қўймиш бир ерга.
У бор, айтган сўзимиз
Шоҳга сариқ бир чақа.
Қай юртда вазир зоти
Хор бўлибди биздақа...
Шундай деб улар аста
Фитнани бошлабдилар.
Шоҳга бориб ёлғонни
Рост қилиб ташлабдилар.

«Тингланг, сўзни айтайлик
Асалидан, қандидан.
Доно вазир, подшоҳим,
Ошди роса ҳаддидан.
Қаранг, димоғи баланд,
Юради кўкрак кериб,
Чаён дейсиз сўзини
Биз айтсак қулоқ беринг.
«Мен бор—подшоҳимиз бор!»
Деб керилар кўзи лўқ.
Бир жонзот эмишсизки,
Тўтидан ҳеч фарқи йўқ.
Шаҳарда шундай гапдир.
Бизлар тинглаб, оҳ урдик,
Шоҳим, тоқат қилолмай,
Сиз томонга югурдик».

III.

Шоҳнинг қайнаб зардаси,
Мўйлабини бурабди,
Кўзларидан ўт чақнаб,
Вазирлардан сўрабди:
«Саройдан қувлаймикан,
Солиб бошига савдо?
Қани айтинг, бадкорга
Лойиқдир қандай жазо?»
«Қувманг, қувманг»,—вазирлар
Чувиллашди шу онда.
«Қувсангиз, ўч ололмай,
Қолажакмиз армонда.
Ақл ўргатар аёли»,—
Дебдилар хуллас калом.
«Йўқ қилсак агар уни,
Қўюрмиз ақлига дом».

IV

Айрилиқнинг азоби
Жон-жонидан ўтибди.
Алқисса, доно вазир
Бир йил аза тутибди.
Бир йил ўтса кўрсалар,
Доно вазир кўп шодон.
Оқиллигу доврўғи
Эларо тағин дoston.
Вазирлар ўтда куйиб,
Саройга югурдилар.
Арз айлаб, қўлларини
Қовуштириб турдилар.
«Шоҳим, бадкирдор вазир
Яна бошлабди ғавғо.
Яна кўчалар бўйлаб
Сиз ҳақда юрар иғво.
Гуруч деб суйганингиз
Айланмасидан тошга,
Чорасин қилмасангиз
Кўп савдо солар бошга».

V

Қотди шоҳнинг калласи:
«Вазирлар, не қиламиз?
Қандоқ қилсак бу малъун
Кимсадан қутуламиз?»
«Ўлдирдик хотинини,
Лекин йил ўтмасданоқ,
Яна пешлаб ақлини
Бизларни қилди аҳмоқ.
Гап бундоқ
Фарзанд эрур

Асли белнинг қуввати.
Фарзандини ўлдилинг,
Синар шунда қудрати».

VI

Фарзанд доғи
Барча дарддан
Ортиқ эрур юз ҳисса.
Доно вазир
Яна бир йил
Аза тутди, алқисса.
Йил ўтгач, яна асл
Ҳолига қайтди вазир.
Ҳукми олий ҳузурида
Ҳақ сўзни айтди вазир.

VII

Вазирлар кечди тамом
Ҳузур-ҳаловатидан
Қўярга жой топмасдан
Ўзни адоватидан.
Энг охир чора излаб.
Мунажжимга бордилар.
Бир-бирига гал бермай,
Юракларин ёрдилар.
Мунажжим юлдуз санаб,
Уч кечаю уч кундуз,
Бир варақ қоғоз тутиб,
Сўз айтди икки оғиз:
«Қоғозда қайд этилган
Одамларни топинглар,
Шафқат қилмай уларга,
Бошларини чопинглар».

VIII

Мунажжимга бердилар
Талай олтин, пора, деб.
Шоҳ томонга чопдилар
Топдик энди чора, деб.
«Шоҳим, доно вазирнинг
Қилиқлари кўп ғалат.
Айтар ул шундоқ сўзлар,
Қилиб бўлмас ҳеч тоқат,
Мучалингиз хар эмиш,
Қовоқ эмиш каллангиз.
Ҳатто, сизга ҳайф эмиш
Шул симоби саллангиз.
Айтаверсак...»
«Бас қилинг!»
Қалтирар шоҳ ғазабдан.
«Энди уни бир йўла
Дор қутқарар азобдан».

IX

Жаҳл келса, ақл кетар,
Бордир шундоқ ақида.
Асли бу гап айтилган
Ҳукмдорлар ҳақида.

X

Вазирларнинг, алқисса
Боши етди осмонга
Ва қоғозни қўш қўллаб
Топширдилар султонга.
«Қоғозда қайд этилган
Одамларни оссангиз,
Шунда зора бадкорнинг

Упкасини боссангиз...»
Еттовлон фармон билан
Оҳ, қўллари қайрилди,
Бир кунда еттовининг
Боши тандан айрилди.

XI

Кун, ой ўтди,
Йил ўтди
Кувалаб бир-бирини.
Қимнинг бахтин кўрсатди,
Қимнинг эса шўрини.
Ул донишманд вазирдан
Фақатгина от қолди.
Сувга тушган тош мисол
Жисми кўздан йўқолди.
Барча ҳайрон: не бўлди,
Қайда қолди у инсон...
Ўттиз тўққиз вазир-чи,
Яшарди дориломон.
Авжга минди бебошлик
Бор ёвузлик бўлди жам.
Эзгуликка ташна, зор
Бўлиб қолди ҳар одам.
Хонавайрон бўлди эл,
Халқ укпардек тўзиди.
Йўғон тортиб ингичка,
Ингичкалар узилди.
Қадри ўтиб дононинг,
Эслабди шоҳ бир жойда:
«Қайда бўлса, топилсин
Келтирилсин саройга».

ХII

Келтирдилар вазирни,
Ранги заъфар
Ҳоли танг.
Эплаб зўрға айтармиш
Гапу сўзини аранг.
Шоҳ унга дил-дилидан
Ачиниб кўз ташлабди.
Доно вазир оҳиста
Ҳикоясин бошлабди.

ХIII

«Шоҳим, душман дегани
Бўлар экан қўйнингда.
Бу вазирлар юраркан
Доим менинг кўйимда.
Билмабман улар фикрин,
Дўстим дея ўйлабман.
Соддаман-да уларга
Сирларимни сўйлабман.
Ўлдирдинг хотинимни,
Қалтирадим мисли барг.
Мен уйландим, сўнгра ғам—
Ташвиш этди мени тарк.
Иккинчи гал фарзандим
Қалта қилдинг умрини.
Кул босди қандоқ қилай
Ениқ қалбим қўрини.
Йил ўтгач янги хотин
Туғиб берди бир ўғлон.
Кемтик бағрим тўлгандай
Бўлди, шоҳим, ўша он.
Унутдим бу аламини
Соғайганидек бемор.

Эҳ, сенга дучор бўлдим,
Аё шоҳ, учинчи бор
Бу бора сен жаҳоним,
Боримни барбод этдинг.
Қаддимни дол, ўзимни мўрт
Ағёримни шод этдинг.
Сен ўлдирган еттовлон
Менинг дўстларим эди.
Бири қалб, бири кўзим
Қаму кўстларим эди.
Нетай, бундай савдони
Кўтаролмас ҳеч одам.
Ҳасратим, алаимига
Қани чек, қани малҳам...
Энг сўнггида илдизсиз
Дарахт мисол қуврадим.
Ёмғир ювган чўнг девор
Қаби мен ҳам нурадим.
Шоҳим, сени қарғайман:
Узоқ йиллар омон бўл.
Дўст тополмай оламда
Ранги рўйинг сомон бўл».
Доно вазир жандасин
Чиқиб кетибди судраб,
Шоҳ эса қолаверди
Кўзда ёши мўлтираб.



XIV

Дўст билан қайғу йўқдир
Дўстлар бор—
Умр устивор.
Дўстсиз умр зимистон,
Дўстлик этгай беғубор.
Сўнгги сўз: яшамагин
Қайси юрт, қай замонда,
Сени бошда тутгувчи
Дўстинг бўлсин жаҳонда!

АБАДИЯТ ҚОНУНИ

Бир саҳарда очилди
Қизил атиргул.
Ифорларга тўлдирди
Боғларни буткул.
Ўзга гуллар ичра у
Турар хушсурат.
Ҳатто қўпол Тикангул,
Қилди хушомад.
Суяр эди айниқса,
Ҳаммадан кўпроқ
Илдиз—унинг отаси
Онаси—япроқ.
Елпир эди шайдо бўлиб,
Оппоқ капалак.
Таърифиди булбул, қумри
Бўлишар ҳалак.
Яшнайверди атиргул
Қувноқ, бепарво.
Бино қўйиб ўз ҳуснига
Масту маҳлиё.
Бахтга тўла беш-олти кун
Ўтгач орадан
Бирдан фарёд янгради
Дилни поралаб:
— Қани менинг ҳусним, қани,
Қани қоматим?!
Наҳот, куним битиб аттанг,
Кетди омадим!
Ахир, сўлиб бораяпман,
Юзим қовжироқ.
Қаердасиз Илдиз отам,
Онажон, Япроқ?!
— Кўп йиғлама,—садо келди,
Пастдан шу маҳал.—

Ҳаёт шундай зиддиятли,
Эмасдир тугал.
Туғилмоқ бор, яшамоқ бор,
Бу бир қонундир.
Шунинг учун дилда армон,
Дилда тугундир.
Мен ҳуснимни сенга бердим,
Сен яшнаб кетдинг,
Мен умримни сенга бердим
Сен яшаб кетдинг.
Шунинг учун келажакка
Дадил қучоқ оч.
Сен боғларга қайғунг эмас,
Уруғингни соч.
Умр елар, ўтаверар,
Чопқир, бешафқат.
Мангу яшар яхши авлод—
Қолдирган фақат.
Ярат сен ҳам турфа-турфа
Авлодлар ярат.
Атиргуллар шуҳратини
Яна ҳам тарат.
Йиллар оша яшайверар
Шунда номинг ҳам.
Номинг тилдан тушмас экан,
Тириксан ҳар дам.



МЕРОС

I

Жуда кўпдир бу ҳаётда
Афсоналар, нақллар.
Авлодлардан авлодларга,
Етказади оқиллар.
Асло-асло йўқ уларнинг
Ниҳояси, этаги.
Қулоқ беринг, шундай эрур,
«Оқ олтин»нинг эртаги.

II

Шоҳи замон қадим-қадим
Берибди шундоқ фармон:

«Бир янгилик топиб келсин,
Ҳузуримга тирик жон.
Бу янгилик хазинамни,
Лиқ тўлдирсин олтинга.
Топган кимса тўппа-тўғри,
Қираверсин олдимга.
Маъқул бўлса агар бизга,
Номин ёзиб дил, жона.
Тақдирлармиз, иншоолло,
Тақдирлармиз шоҳона».
Топишибди кўп нарсани,
Уламолар, фозиллар.
Ниятига етолмабди
Дунёпараст разиллар.
Лекин ҳеч бир кашфиётни
Шоҳ тутмабди қўлига.
Сабаби шу: биронтаси
Ҳуш келмабди кўнглига.
Қадоқ қўлли оддий деҳқон,
Энгил-боши кўп юпун.
Кириб келмиш улуғ шоҳни
Йўқлаб кунлардан бир кун.
— Шоҳим,—дебди эгиб бошин,—
Шу уруғни олсангиз.
Экиб уни кеча-кундуз
Парваришда бўлсангиз.
Бир савдогар қадрдоним,
Қайтгач олис сафардан.
Шу уруғни ҳадя қилди
Эксанг, деди агарда,
Едингда тут жуда-жуда
Хосиятли уруғ бу.
Ҳосил берса худди олтин,
Уруғи мой, деди у.
Жуда-жуда кўркам эмиш,
Ниҳоллари—ғўзалар.

Гулларидан пайдо эмиш,
Олтин тўла кўзалар.
Уша уруғ мана шудир,
Рост гап ўзи бир дона.
Шоҳ уруғни олибди ва
Совға бермиш шоҳона.

III

Кўклам келгач шоҳ ер чопиб
Шу уруғни экибди.
Қачон унар экан дея,
Интизор кўз тикибди.
Ниш урибди уруғ алҳол,
Япроқлари хўп майин.
Шимириб у қуёш нурин,
Бўй чўзибди кун сайин.
Гул очибди яшнаб бир кун,
Шоҳга гули ёқибди.
Гул тўкилиб, бир ғаройиб,
Кўзачалар боқибди.
Лекин деҳқон айтган олтин
Кўринмасмиш сира ҳам.
Буюрмиш шоҳ: «Кўзачани
Очаолур қай одам?»

IV

Бўлишибди парвона
Ардоқлашиб чинакам.
Лек кўзача олтинини
Кўрсатмабди сира ҳам.
Иложини топмай, охир
Деҳқонни йўқлабдилар.
Тезроқ юргин, ҳей, саройга.
Дея кўп дўқлабдилар.
Деҳқон қўйиб кетмонини,
Хўрсинибди:—Начора?

Чопарларнинг орқасидан
Судралибди бечора.
Подшоҳ уни кўрган замон,
Даҳшатини сочибди.
Деҳқон деган шўрликнинг
Танидан куч қочибди.
— Бадбахт, қара, уруғ ҳали
Чорак тилло берган йўқ.
Қани, чиқар олтинларин,
Кўзларингни қилма лўқ.
Йўқса сенинг бошингни шарт
Айлаб танангдан жудо.
Қавму қариндошингни ҳам
Зиндонда этгум адо.
Деҳқон йиғлаб ғўза баргин,
Сийпалабди авайлаб.
— Очил энди, кўза тезроқ,
Кўзим тикдим атайлаб.
Қуёш ботгач тиним топиб,
Тонг саҳарда тураман.
Билгин, кўза, ахир ҳалол
Меҳнат-ла кун кўраман.
Очилақол, олтинларинг
Кўрсатақол кўзажон.
Очилмасанг, султон мени,
Қолдирмайди, бил, омон.
Очилақол, жамолингга
Қилмагин мени маҳтал.
Мўъжизангни кўрсат, қани,
Қодир худойим, бир гал.
Шундай дея деҳқон уни
Кўзда ёш, куюк қалби,
Аста ўпиб қўйибди,
Лек кўза очилмабди,
Деҳқон кутар, кўза ҳеч
Очилмабди чарақлаб.

Тилласи ҳам кўринмабди,
Кўринмабди ярақлаб.

V

Шоҳнинг тугаб сабр-тоқати,
Дарғазаб ҳайқирибди.
Мурти шопи нақ тиккайиб,
— Жаллод,—деб чақирибди.
Кўринибди ойболтасин
Уйнатганча тўрт жаллод.
Деҳқон шунда англаб етмиш
Умри бўлганин барбод.
Ҳайҳот, дебди, эҳ аттанг,
Янглиш кетдим чунонам.
Қандоқ қилай, етибди вақт,
Оҳ, тўлибди, паймонам.
Ўзим берган ўша уруғ
Бўлди менга кушанда.
Билдирмасам бўлар эди,
Ҳада этмай ўшанда.
«Шоҳим, майли, қатл этинг,
Сира шафқат кутмайман.
Аммо бир бор адолатнинг
Кўчасидан ўтгайсан.
Бир ўғлим бор, воқеани,
Айтгил унга рўйи-рост.
Бир туп ғўза мендан унга,
Бўлсин, шаҳаншоҳ, мерос».

VI

Ўғил қайтар саройдан,
Қоврилиб ўз ёғига.
Аравада—ота ўлик,
Ғўзаси қучоғида.



Мурғак қалби ўртанади,
Чидай олмай фироққа.
Кўзларидан ёш юмалар,
Ухшаб тубсиз булоққа.
Сарф айлаб бор буд-шудин,
Отасини кўмибди.
Оҳ дебди у фарёд уриб,
Зўр қайғуга чўмибди.
Сапчиб турмуш у ўрнидан,
Ғўза тушиб ёдига.
У келтириб экибди нақ,
Ота қабрин олдига.
Боқса ғўза япроқлари
Сал-пал сўлиб қолибди.
Ҳа, ўйлабди бола шу он,
Сувсизликдан толибди.

Сугорибди кеча-кундуз,
Отам мероси бул деб.
Устираман, ахир бўлгай,
Элу юртга мақбул деб.

VII

Ёз ўтибди, куз келибди,
Далаларда оқ мезон.
Сарғайибди дов-дарахт.
Бола боқиб ғўзасига
Лола қолибди ўша он:
Не мўъжиза? Бу не бахт?!
Қўзачалар шитирлашиб,
Беш томонга ёзилмиш,
Лўппи-лўппи нарса турар,
Нақ олтиннинг ўзимиш.
Беш бармоққа ўхшар эмиш,
Қўзача очилганда.
Аҳли назм тополмас сўз,
Таърифи ёзилганда.
Оқ момиқдек мўъжизани
Бола тутиб қўлига.
Шукр дебди, оппоқ олтин,
Тин берибди дилига.
Толалари болакайга,
Ажаб кийим бўлибди.
Уруғидан қозони ҳам
Ғарчча мойга тўлибди.
Пояси-чи, поялари,
Гуриллатмиш оловни.
Шу кун бола мириқибди,
Дамлаб ширин паловни.
Энди унинг уруғини
Қўпайтирай, дер бола,
Яратаман мең поёнсиз,
Оқ толаға кон дала.

VIII

Кун ўтибди, йил ўтибди,
Қувалаб бир-бирини.
Меҳнат қилар деҳқон ўғли,
Тўкиб манглай терини.
Ейилибди кўп юртларга
Довруғи бу кўзанинг.
Қизиққанлар келар бир-бир
Кўрайин деб ғўзани.
Қадоқ қўллик деҳқон зоти,
Устоз билиб болани,
Меҳр билан кўпайтибди,
Авайлаб ҳар толани.
Эрта баҳор ерга тушиб,
Унинг тилла уруғи.
Кеч кузақда етиларкан,
Шундоқ экан йўриғи.
Момик-момик мўъжизага
Бериб пахта дея ном.
Уруғини чигит дея,
Алқаб келар эл мудом.
Кеч кузақда боққан кўзга,
Ял-ял ёнар далалар.
Ҳатто тунлар оймомадек
Нур сочаркан толалар.

IX

Кунлардан бир кун шох
Сайр истаб қолибди.
Сайислари эгарлаб от,
Унга қойим қилибди.
Йўл юрибди, мўл юрибди,
Боқиб атрофга султон.
Кўзларига чалинибди,

Бир пайт оппоқ бир уммон.
Чаноқлардан тошар экан,
Оппоқ-оппоқ толалар,
Ял-ял ёниб ётар экан,
Унга, сўлда далалар.
Юрар мағрур девкор йигит,
Кенг пайкалнинг бошида.
Шоҳ чорлабди уни дарҳол,
Зуғум билан қошига.
— Кимсан ўзинг: айла баён,
Асл тахту зотингни.
Булар нима қайнаб ётган,
Нима дейди отини?
— Шоҳим, кавлаб хотирани,
Қийнанг бир оз сиз жонни.
Эслайсизми, бир пайт сизга,
Уруғ берган деҳқонни?
Мен ўшанинг фарзандиман,
Ўсдим, етдим вояга.
Мен отамнинг васиятин,
Етказдим ниҳояга.
Уша уруғ мана шудир,
Қайнаб-тошар далалар.
Еру кўкка олтин сочар,
Мезон учган паллалар.
— Ҳа-ҳа, уруғ меникийди,
Қайтар энди, эй нодон.
— Шу ғўза деб қатл этгансиз,
Сиз отамни беомон.
— Мен султонман, валдирама,
Суғураман тилингни.
— Мен деҳқонман, ерга бердим,
Юрагимни, дилимни.
Отам қонин тўккан чоғи,
Неларни ўйладингиз?
Эслайсизми, ҳув, саройда,

Нима деб сўйладингиз?
Ҳа-ҳа, шудир ўша олтин,
Кийим бўлар, мой бўлар.
Замин узра экилса гар,
Тенги йўқ чирой бўлар.
Лек, султоним, хислати бор,
Тингланг, айтай шуларни.
Оппоқ пахта севар экан,
Тонгдек оппоқ дилларни.
Оппоқ пахта севар экан,
Меҳнатсевар қўлларни.
Сизнинг эса фикр-ўйингиз,
Қалбингиз ҳам қоп-қора.
Шунинг учун кўзачалар,
Очилмаган бир бора.
Аҳли деҳқон умримизни,
Ҳадя айлаб боякбор.
Оқ олтиннинг умрини биз,
Этажакмиз пойидор.
Аҳли деҳқон оқ олтинни,
Айлабди бошига тож...
Ҳақиқатнинг олдида
Шоҳ бош эгмиш ноилож.

Х

Шу-шу пахта жамолини
Кўрсатаркан деҳқонга.
Деҳқон унинг камолини
Ёяр экан жаҳонга.
Кузак чоғи қадди баланд
Еткудек нақ осмонга.
Оқ олтинни уяр экан,
Баланд-баланд хирмонга.

МУНДАРИЖА

ЭЗГУЛИКНИНГ ЙЎЛЛАРИ

Ватан	4	
Қирлар тўла қизгалдоқ		5
Далалар	7	
Емғир ёғалоқ	8	
Ҳовлида	10	
Табиат	12	
Ким бўлса хушёр, доно		14
Она ер ўксимасин		15
Гулбахор	17	
Ҳар каллада ҳар хайл		19
Баҳор	20	
Бола кўзлари		21

Хўроз	29	
Ишбилармон		30
Нима қилай?		30
Хато	31	
Қараб турди		32
Баҳона	33	
Ари	33	
Уста	34	
Тунлида		35
«Жазо»		36
Олма пиш		36
Эга	37	
Ўзим	37	

ҚУВНОҚ ШЕЪРЛАР

Глобус	23	
Ўктам	24	
Фонус	25	
Даво	26	
Сабоқ	27	
Оқ қалам		28

ЭРТАҚЛАР

Ғалати сабоқ		39
Доно вазир ҳикмати		
Абадият қонуни		52
Мерос	54	

Литературно-художественное издание
для детей младшего школьного
возраста

На узбекском языке
ТЕМУР УБАЙДУЛЛА

МАКИ

Стихи, сказки

Редактор Я. Тогаев. Рассом Ли Тамара. Расмлар редактори Ҳ. Раҳматуллаев. Техн. редактор В. Демченко. Корректор Сайдолимов.

ИБ № 2619

Теришга 23.02.89. берилди. Босишга 21.04.89. да рухсат этилди. Формати 70×108¹/₃₂ № 1 босма қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 2,0 Шартли босма листи 2,80. Нашр листи 2,26. Шартли кр. отт. 3,09. Тиражи 10000. Буюртма 55. Шартнома 113—83. Баҳоси 15 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, 700113, Тошкент, Чилонзор м. 8-квартал, «Правда газетаси» кўчаси, 60.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2—босмахонаси. Янгийўл шаҳри, 702800, Самарқанд кўчаси, 44.